

Сийрат дарслари (44-дарс)



Сийрат дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Бу – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» таржима китоблари ва "Ҳадис ва ҳаёт"нинг 19-жузъи асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

16:20 / 11.08.2019 5352

227. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким «Лаа илааҳа иллаллоҳу» десаю, қалбида арпа донаси вазнича иймони бўлса, дўзахдан чиқади. Ким «Лаа илааҳа иллаллоҳу» десаю, қалбида буғдой дони вазнича иймони бўлса, дўзахдан чиқади. Ким «Лаа илааҳа иллаллоҳу» десаю, қалбида зарра вазнича иймони бўлса, дўзахдан чиқади»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

228. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Банда Ислomга кирса ва Исломи гўзал бўлса, Аллоҳ унга ҳар бир касб қилган яхшилигини ёзади ҳамда ҳар бир касб қилган ёмонлигини ўчиради. Ундан кейин қилганига яраша бўлади. Бир яхшилик ўн мисличадан то етти юз мартагача кўпайтирилади. Ёмонлик эса, Аллоҳ аzza ва жалла ўтиб юбормаса, ўз мислича бўлади»**.

Насоий ривоят қилган.

* * *

229. Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ортларига мингашиб борар эдим. Мен билан у зотнинг орамизда эгарнинг орқаси бор эди, холос. У зот: **«Эй Муоз ибн Жабал»**, дедилар. «Лаббайка, эй Расулаллоҳ ва саъдайка!» дедим. Кейин бироз юриб туриб: **«Эй Муоз ибн Жабал»**, дедилар. «Лаббайка, эй Расулаллоҳ ва саъдайка!» дедим. Кейин бироз юриб туриб: **«Эй Муоз ибн Жабал»**, дедилар. «Лаббайка, эй Расулаллоҳ ва саъдайка!» дедим. **«Аллоҳнинг бандаларидаги ҳаққи нималигини биласанми?»** дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчилардир», дедим. **«Албатта, Аллоҳнинг бандаларидаги ҳаққи уларнинг Аллоҳга ибодат қилишлари, Унга бирор нарсани ширк келтирмасликларидир»**, дедилар. Кейин бироз юриб туриб: **«Эй Муоз ибн Жабал»**, дедилар. «Лаббайка, эй Расулаллоҳ ва саъдайка!» дедим. **«Ўшанга амал қилсалар, бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаққи нималигини биласанми?»** дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчилардир», дедим. **«Уларни азобламаслигидир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

230. Алий ибн Абу Толиб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулаллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Банда тўрт нарсага иймон келтирмагунча мўмин бўла олмайди: албатта, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва албатта, мен Аллоҳнинг Расулиману, У зот мени ҳақ ила юборганига шаҳодат беради; ўлимга иймон келтиради; ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон келтиради; қадарга иймон келтиради»**, дедилар».

Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.